

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУҒАНИЕВ ОЙБЕК АБДУХАМИДОВИЧ

**СИРДАРЁ ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЙИРТҚИЧ
БАЛИҚЛАРИ ГЕЛЬМИНТЛАРИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуганиев Ойбек Абдухамидович

Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари
гельминтлари 3

Абдуганиев Ойбек Абдухамидович

Гельминты хищных рыб водоемов среднего течения реки
Сырдарьи..... 23

Abduganiev Oybek Abdukhamidovich

Helminths of predatory fishes of reservoirs of the middle part of the Syrdarya
river..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУҒАНИЕВ ОЙБЕК АБДУХАМИДОВИЧ

**СИРДАРЁ ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЙИРТҚИЧ
БАЛИҚЛАРИ ГЕЛЬМИНТЛАРИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/B314 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шакарбоев Эркинжон Бердиқулович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дадаев Сайдулла биология фанлари доктори, профессор Боймуродов Хусниддин Тошбултаевич биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» май куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25, факс: (+99867) 225-39-25, E-mail: glsuinfo@edu.uz)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 04 кун тарқатилди.
(2022 йил «19» 04 даги № 7 сонли реестр баённомаси)



Х.К.Қаршибаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Ф.П.Габбазарова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д. (PhD), доцент

И.У.Уразбоев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида аҳоли сонининг жадаллик билан кўпайиши оқибатида инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам мос равишда кескин ортиб бормоқда. Айниқса, дунё аҳолисининг маҳсулдорлиги юқори бўлган, сифатли ва экспортбоп, оқсилга бой балиқ маҳсулотларига бўлган талабининг ортиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса балиқларнинг юқори серпуштлиги, уларнинг тез ўсиши ва кўпайтиришда харажатнинг камлиги ҳамда балиқ маҳсулотларига талабнинг кундан кунга ошиб бориши сабабли балиқчиликни янада ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишни тақазо этмоқда. Бугунги кунда инвазион касалликлар балиқлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, табиий ва сунъий сув ҳавзалари балиқчиликка катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Шунингдек, қимматли балиқ турларининг акклиматизациясига салбий таъсир қилиб, аксарият ҳолатларда уларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шунга кўра, йиртқич балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтлар тур таркибини ва уларнинг зарарланиш даражасини аниқлаш ҳамда гельминтозларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сув ҳавзалари балиқлари паразитофаунаси, доминант гельминт турлари ҳаёт цикллари, морфобиологик ва экологик хусусиятлари ҳамда балиқлар гельминтозларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сув ҳавзаларида гельминтозлар бўйича эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда балиқчилик тармоғини кўллаб-қувватлаш, балиқчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда интенсив технологияларнинг кенг жорий этилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан сув ҳавзаларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди, сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Президент қарорида¹ жумладан «Республикада интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг кўламда жорий қилиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан йиртқич балиқлардаги гельминтозларни аниқлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарори.

гельминтларни систематик таҳлил қилиш, сув ҳавзалари паразит популяцияларини миқдорини бошқариш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ҳавзаларининг балиқлари - оддий лакқа - *Silurus glanis* Linnaeus, 1758, оқ сла - *Sander lucioperca* Linnaeus, 1758 ҳамда чўртанбалиқ - *Esox lucius* Linnaeus, 1758 гельминтларининг тур таркиби, систематик таҳлили, гельминтозлар тарқалиши, доминант турларининг морфобиологик ва экологик хусусиятлари юзасидан тадқиқотлар хорижлик олимлардан R.Poulin, E.T.Valtonen (2001), B.Akinsanya, O.A.Otubanjo (2006), Ahmed S.Dan-kishiya et al. (2013), N.M.Alcвntara, M.T.Dias (2015), Muhammad Moosa Abro et al. (2019), Ludmila Juhasova et al. (2019), Medhat Ali et al. (2020), A.M.Abdybekova et al. (2020) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ, айнан йиртқич балиқлар гельминтларининг фаунаси ва экологияси бўйича тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

МДХ мамлакатларида оддий лакқа, оқ сла ва чўртанбалиқлар паразитофаунаси, доминант турлар ҳаёт цикллари ҳамда балиқлар гельминтозларининг олдини олиш чораларига қаратилган тадқиқотлар В.К.Старовойтов (1989), А.Н.Петухов (2003), С.Э.Мастицкий (2003), Л.В.Аникиева, В.Н.Харин (2003), С.М.Дегтярик (2005), С.Г.Соколов ва б. (2006), Т.Г.Бурдуковская (2006), Н.М.Молодожникова, А.Е.Жохов (2007), В.В.Шималов (2008), Д.А.Морозова (2011), К.С.Акишева ва б. (2011), А.А.Вастьянова (2013), П.А.Горбунов (2016), Н.А.Головина ва б. (2017), Н.Э.Ибрагимов (2018), М.В.Гопко (2018), О.В.Минеева, А.К.Минеев (2019), М.Г.Овчинников, О.В.Масленникова (2019), А.В.Казарникова (2021) ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда балиқлар гельминтлари турларининг хилма-хиллиги ва тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича тадқиқот ишлари О.С.Османов (1965, 1971), Б.Алламуратов (1966), К.К.Убайдуллаев (1969),

А.Уразбаев (1973), Р.М.Караев (1975), О.Юсупов (1980), А.И.Курбонова (2002), С.Каримов (2007), Г.Б.Алламуратова (2011, 2017), Р.Караев ва б. (2016), Ф.Э.Сафарова (2017), А.И.Курбанова ва б. (2018), А.И.Курбонова, А.К.Нуруллаев (2020) ва бошқа олимларнинг ишларида келтирилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларининг тур таркиби, тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларининг турлар таркибини ва алоҳида балиқ турлари гельминтофаунаси ўрганиш, фаунанинг шаклланиш йўллари таҳлил қилиш ҳамда гельминтозларга қарши курашишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ВА-ФА-Ф-5-007 сонли «Ўзбекистон ҳайвонлари паразитлари - Spirurida Chitwood, 1933 туркуми нематодалари популяцион экологияси, эволюцияси ва таксономияси» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларининг тур таркиби, гельминтофаунанинг шаклланиш йўллари аниқлаш ҳамда гельминтозларга қарши курашишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларининг замонавий тур таркибини аниқлаш;

Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларини таксономик ва фаунистик таҳлил қилиш;

йиртқич балиқларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш;

йиртқич балиқлар доминант турларининг гельминтофаунасини қиёсий таҳлил қилиш;

йиртқич балиқлар гельминтофаунасининг шаклланиш йўллари очиб бериш;

Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзаларининг эпизоотик ҳолатига баҳо бериш ва йиртқич балиқлар гельминтозлари профилактикасининг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида йиртқич балиқларда (оддий лаққа - *Silurus glanis* Linnaeus, 1758, оқ сла - *Sander lucioperca* Linnaeus, 1758, чўртанбалиқ - *Esox lucius* Linnaeus, 1758) паразитлик қилувчи трематодалар, цестодалар, акантоцефалалар ва нематодалар ҳамда уларнинг личинкалик шакллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Йиртқич балиқлар гельминтларининг фаунаси, таксономияси ва экологияси ҳамда уларнинг шаклланиши;

балиқлар гельминтофаунасининг сув ҳавзалари типига, хўжайин турига ва бошқа экологик омилларга боғлиқлиги ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда ихтиопаразитологик, гельминтологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк бор Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари (оддий лакқа - *Silurus glanis* Linnaeus, 1758, оқ сла - *Sander lucioperca* Linnaeus, 1758, чўртанбалиқ - *Esox lucius* Linnaeus, 1758) гельминт турларининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 3 тип, 4 синф, 13 туркум, 22 оила, 32 авлодга мансуб 35 тури қайд этилган, уларнинг 24 тури биогельминтлар, 11 тури эса геогельминтлар гуруҳига мансублиги аниқланган;

- оддий лакқа - *Silurus glanis* балиғида 29 тур, оқ сла - *Sander lucioperca* балиғида 19 тур, чўртанбалиқда - *Esox lucius* 22 тур гельминт қайд этилган бўлиб, балиқларнинг умумий зарарланиши 0,3-32,1 %, инвазия интенсивлиги эса 1-72 нусхани ташкил этиши очиб берилган;

-йиртқич балиқлар гельминтофаунасининг сув ҳавзалари типларига боғлиқлиги асосланган;

-йиртқич балиқлар ва уларнинг гельминтлари ўртасида биоценотик алоқалари ҳамда Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзаларида йиртқич балиқлар гельминтофаунистик комплексларининг шаклланиш йўллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқларининг инвазион касалликлари бўйича эпизоотологик ҳолатини башорат қилиш имконияти исботланган;

йиртқич балиқларнинг паразит чувалчанглар билан зарарланиш даражаси, инвазия интенсивлиги ва миқдор индекслари асосида доминант гельминтозлар кўзгатувчилари сонини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган;

йиртқич балиқларнинг гельминтозларига қарши курашиш ва олдини олиш чора тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфометрик маълумотларни Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзаларида 3 тур йиртқич балиқлар (оддий лакқа - *Silurus glanis* Linnaeus, 1758, оқ сла - *Sander lucioperca* Linnaeus, 1758, чўртанбалиқ - *Esox lucius* Linnaeus, 1758) гельминтларининг тур таркиби аниқланганлиги, уларнинг таксономик ва фаунистик таҳлил қилинганлиги, йиртқич балиқлар гельминтофаунасининг

шаклланиш йўллариининг очиб берилганлиги ҳамда гельминтларнинг алоҳида патоген турларига эпизоотологик баҳо берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йиртқич балиқлар гельминтозларини олдини олишнинг эколого-эпизоотологик ва эпидемиологик асосларини ишлаб чиқишда ҳамда зооантропоноз гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Йиртқич балиқлар гельминтозлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзалари йиртқич балиқлари популяциялари миқдорини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимлари фаолияти амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 01/23-2091-сон маълумотномаси). Натижада, йиртқич балиқларнинг гельминтоз касалликларини ташхислаш, мониторинг қилиш ва инвазияларга қарши курашиш ҳамда балиқлар маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзаларида тарқалган йиртқич балиқлар гельминтларининг 15 турга мансуб, 295 нусха гельминт намуналари республикада етакчи бўлган Зоология институти “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 20 августдаги 4/1255-2321-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу коллекция намуналари республикамизнинг турли сув ҳавзалари йиртқич балиқлар гельминтларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда гельминтларнинг таксономик таркибини аниқлаш имконини берган;

Оқ сла *Sander lucioperca* балиғи лигулидозининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 9 ноябрдаги №01/18-2411-сон маълумотномаси). Натижада, балиқларнинг лигулидоздан нобуд бўлишининг олдини олиш, сувнинг ифлосланиш даражасини кескин камайтириш ҳамда сув ҳавзалари экологик муҳитининг тозаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 1 та амалий тавсиянома ва ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Йиртқич балиқлар гельминтларининг ўрганилиш даражаси ва тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг физик-географик тавсифи”** деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон ва хорижий давлатларда йиртқич балиқлар гельминтларининг ўрганиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг қатор олимлари томонидан йиртқич балиқлар гельминтофаунасинининг ўрганилиш даражаси батафсил таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари йиртқич балиқлар гельминтлари тур таркибини, фаунистик таҳлилини ва гельминтофаунанинг шаклланиш йўллариини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Адабиётлар шарҳи Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзаларида йиртқич балиқлар гельминтлари тур таркиби деярли ўрганилмаганидан далолат бермоқда. Бобда тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг физик-географик тавсифига батафсил тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларини ўрганиш методлари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида йиғилган материал ҳажми, тадқиқот материали ва тажриба ўтказилган жой ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишлари 2019-2021 йиллар давомида ЎзР ФА Зоология институти Умумий паразитология лабораториясида бажарилган. Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзаларидан жами 782 нусха, 3 турга мансуб йиртқич балиқлар текширилган, шундан 274 – оддий лаққа - *Silurus glanis*, 241 – оқ сла - *Sander lucioperca*, 267 – чўртанбалиқ - *Esox lucius*. Балиқлар Сирдарё дарёси, унга туташ табиий ва сунъий кўллар, Туябўғиз сув омбори, Айдар Арнасой кўллар тизими, 32 та балиқчилик хўжаликлари, 2 та канал ва коллектор зовурлардан тугилган. Балиқларнинг тур таркибини аниқлаш институтнинг Ихтиология ва гидробиология лабораторияси ходимлари билан биргаликда амалга оширилди.

Ундан ташқари, 1990-2018 йиллар давомида Зоология институти Умумий паразитология лабораторияси ходимлари томонидан йиғилган коллекция материалларидан ҳам фойдаланилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишларида В.А.Догель (1962) томонидан ишлаб чиқилган, А.П.Маркевич (1985), И.Е.Быховская – Павловская (1985) томонидан қўшимчалар киритилган балиқларни тўлиқ паразитологик ёриб кўриш услубидан фойдаланилди. Гельминтларни йиғиш, фиксация қилиш ва камераль ишлов бериш умумқабул қилинган методлар асосида бажарилди (Быховская-Павловская, 1985).

Гельминтлар морфологиясини ўрганишда «Olympus СК 2» микроскопи, МБС-1, МБИ-3, МБИ-4 бинокуляр микроскопларидан ва гельминтлар расмини чизиш учун РА-4 ва РА-5 аппаратларидан фойдаланилди.

Гельминтлар личинкаларини тирик ҳолатда ва тоталь препаратларда фиксация қилинган ҳолатда ўрганилди. Тадқиқотлар жараёнида 1056 та вақтинчалик ва доимий препаратлар тайёрланди. Гельминтлар уларнинг систематик мансублигига қараб гуруҳларга бўлинди. Цестодалар плероцеркоидлари Кварц кармин билан бўялди. Нематодалар ва акантоцефалалар личинкаларига сут кислотаси-глицерин (50:50) аралашмасидан томизилди ва равшанлаштирилди. Аксарият ҳолатларда гельминтлар турлари вақтинчалик препаратларда, камдан-кам ҳолатда доимий препаратларда аниқланди. Гельминтларни ўлчаш окуляр-микрометр ёрдамида амалга оширилди ва барча ўлчам катталиклари миллиметрларда берилди (Витомскова, 2000).

Паразитлар турларини аниқлашда қатор аниқлагичлардан фойдаланилди: «Определитель паразитов пресноводных рыб фауны СССР» (1984, 1985, 1987); «Метацеркарии трематод – паразиты гидробионтов России» (Судариков и др., 2002); Keys to the cestode parasites of vertebrates (Khalil et al., 1994).

Йиртқич балиқларнинг гельминтлар билан зарарланишини тавсифлашда инвазия экстенсивлиги ва инвазия интенсивлиги каби паразитологик кўрсаткичлардан фойдаланилди (Беклемишев, 1970; Демидов, 1987).

Диссертациянинг **“Йиртқич балиқлар гельминтларининг систематик таҳлили”** деб номланган учинчи бобида йиртқич балиқлар гельминтларининг систематик ҳолатига оид тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Гельминтлар В.В. Авдеев, О.Н. Бауер, И.Е. Быховская-Павловская ва б. «Определитель паразитов пресноводных рыб» (1987) монографиясида келтирилган систематика асосида ҳамда маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан систематикага киритган сўнги ўзгартириш ва қўшимчаларини инобатга олган ҳолда баён этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқларида 3 тип, 4 синф, 13 туркум, 22 оила ва 32 авлодга мансуб 35 тур гельминтлар аниқланди. Қайд этилган гельминтлар йиртқич балиқларнинг ошқозони (2 тур), жабралари (4 тур), ичаклари (25 тур), кўзи (3 тур), тери – мускул қавати (7 тур), қорин ва тана бўшлиқлари (8 тур), жигари


(5 тур), сузгичлари (1 тур), ўт йўллари (2 тур), гонадалари (1 тур) ва қон томирларида (1 тур) паразитлик қилиши аниқланди. Айрим турлар одам саломатлиги учун ҳам жиддий ҳавф туғдириши изоҳланган (*Dioctophyme renale*).

Йиртқич балиқларда қайд этилган турлар ривожланиш циклига кўра - 24 тури биогельминтларга ва 11 тури эса геогельминтлар гуруҳига мансуб. Биогельминтлар ривожланиш цикларида оралик хўжайин вазифасини циклоплар, бўғимоёқлиларнинг турли вакиллари, ҳалқали чувалчанглар, сув ва қуруқлик моллюскалари, амфибиялар, рептилиялар, балиқлар, қушлар ва сут эмизувчиларнинг турли хил вакиллари бажаради.

Диссертациянинг **“Сирдарё дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари гельминтларининг фаунистик таҳлили”** деб номланган тўртинчи боби бешта параграфдан иборат. Биринчи параграфда йиртқич балиқларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқларида 35 тур гельминтлар қайд этилган ва улар Trematoda, Cestoda, Nematoda ва Acanthocephala синфларига мансуб.

Йиртқич балиқлар гельминтлари тур таркибининг 31.4% трематодалар, 28.5% цестодалар, 8.5% акантоцефалалар ва 31.4 % нематодалар ташкил этади. Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, йиртқич балиқлар гельминтофаунаси ядроси трематодалар, цестодалар ва нематодалар ҳисобига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Йиртқич балиқлар гельминтларининг таксономик структураси.

Текширилган сув ҳавзаларида 7 тадан 26 тагача гельминт турлари қайд этилди. Гельминт турларининг энг кам миқдори каналларда (7 тур), энг кўп - балиқчилик хўжаликларида (26 тур) қайд этилди.

Сув ҳавзаларида мураккаб ҳаёт циклига эга гельминтлар ҳиссаси 68.6 % ни ташкил этиб, уларнинг асосини трематодалар, цестодалар ва акантоцефалалар ташкил этиши аниқланди. Геогельминтлар ҳиссаси эса 31.4% га тўғри келади.

Йиртқич балиқлар гельминтофаунасида доминант турларга 9 тур (*Rhipidocotyle campanula*, *Bunodera luciopercae*, *Diplostomum spathaceum* (larvae), *Bothriocephalus opsariichthydis*, *Ligula intestinalis* (larvae), *Pomphorhynchus laevis*, *Diectophyme renale* (larvae), *Camallanus truncatus* ва *Raphidascaris acus* (larvae) мансуб бўлиб, улар барча сув ҳавзаларида қайд этилди. Доминант турларнинг 4 таси личинкалик босқичда учраб, улар учун йиртқич балиқлар қўшимча ёки резервуар хўжайин вазифасини бажаради.

Сирдарё ўрта оқими. Оддий лаққа, оқ сла, ва чўртанбалиқларда паразитологик таҳлил ўтказилган. Йиртқич балиқлар паразитофаунаси 4 синфга мансуб 21 турдан иборат эканлиги аниқланди: Trematoda (7), Cestoda (5), Acanthocephala (2) ва Nematoda (7). Тадқиқот ишлари олиб борилган сув ҳавзаларида Сирдарё ўрта оқими йиртқич балиқлар гельминтлари сони бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Қайд этилган турларнинг 12 таси вояга етган шаклда, 9 таси эса личинкалик шаклда учраши маълум бўлди.

Сирдарё ўрта оқими сув ҳавзалари йиртқич балиқлари паразитофаунасининг ядросини трематодалар ва нематодалар ташкил этади. Ҳар икки гуруҳ ҳам 7 тадан турларни бирлаштиради. Цестодалардан 5 та тур, акантоцефалалардан 2 та тур қайд этилди. Йиртқич балиқларнинг *Rhipidocotyle campanula*, *Bunodera luciopercae* трематодаларининг вояга етган шакли ҳамда *Diplostomum spathaceum* (larvae) ва *Tylodelphus clavata* (larvae) трематодалари метацеркариялари билан зарарланиши юқори даражада (10.4% дан 30.0% гача) бўлиб, уларнинг мазкур балиқларнинг доимий гельминтлари гуруҳига киритиш мумкин. Йиртқич балиқлар нематодалари ичида *Camallanus truncatus*, *Raphidascaris acus* (larvae), *Contracaecum spiculgerum* (larvae), *Diectophyme renale* (larvae), *Capillaria tomentosa* юқори инвазия экстенсивлигини (20.1% дан 25.1% гача) ташкил этади. Бинобарин, Сирдарё ўрта оқимида қайд этилган нематодаларнинг 71.4% йиртқич балиқларни юқори даражада зарарлайди. Демак, тадқиқот олиб борилган худудда нематодаларнинг ривожланиши учун қулай шароит мавжуд деган хулоса қилиш мумкин. Цестодалар ичида *Bothriocephalus opsariichthydis* (32.1%), акантоцефалардан эса *Pomphorhynchus laevis* (19.1%) билан балиқларни зарарланиши юқори эканлиги аниқланди.

Айдар-Арнасой кўллари тизими (ААКТ). Ушбу тадқиқот ҳудудида йиртқич балиқлар организмиде 4 синфга мансуб 12 тур гельминтлар қайд этилди.

Айдар – Арнасой кўллари тизимида йиртқич балиқларининг гельминтлари ичида трематодалар ва цестодалар доминантлик қилади ва ҳар иккала гуруҳда ҳам 4 тадан тур қайд этилди. Трематодалар билан энг юқори зарарланиш даражаси *Diplostomum spathaceum* (larvae) (14.7%), энг паст зарарланиш даражаси эса *Rhipidocotyle campanula* (6,4%) турига тўғри келади. Йиртқич балиқларнинг трематодозлар бўйича инвазия интенсивлиги 1-21 нусхани ташкил этди.

Йиртқич балиқларнинг *Bothriocephalus opsariichthydis* цестодаси билан зарарланиши 27.8 % ни ташкил этиб, бу кўрсаткич Сирдарё ўрта оқими

йиртқич балиқларида қайд этилган натижага (32.1%) деярли яқин. Зарарланиш интенсивлиги 1-46 нусхани ташкил этмоқда. Акантоцефала ва нематодалардан иккитадан турлар қайд этилган бўлиб, балиқларнинг зарарланиши 0.9 % дан 17.4% гачани ташкил этади. Инвазия интенсивлиги 2-39 нусхани ташкил этди.

Туябўғиз сув омбори. Туябўғиз сув омбори йиртқич балиқларида 4 та синфга мансуб 8 тур гельминтлар қайд этилди. Trematoda синфи вакиллари доминантлик қилиб, 3 турни бирлаштиради. Бу синфдан *Diplostomum spathaceum* (larvae) ва *Bunodera luciopercae* турлари билан балиқларнинг зарарланиши нисбатан юқори ҳисобланади (13.0% ва 12.6%, мос равишда). Инвазия интенсивлиги 1-14 нусхага тенг. Cestoda ва Nematoda синфлари 2 тадан турларни бирлаштириб, *Bothriocephalus opsariichthydis* цестодаси билан балиқларнинг зарарланиши анча юқори (26.6%) эканлигини кўришимиз мумкин. Бу синфлардан балиқларни зарарлаш даражаси бўйича кейинги ўринни *Camallanus truncatus* нематодаси эгаллайди (18.5%). Йиртқич балиқларнинг гельминт турлари билан зарарланиш интенсивлиги 1-35 нусхани ташкил этди. Бу сув ҳавзасида Acanthocephala синфидан бир тур (*Pomphorhynchus laevis*) учраб, балиқларнинг зарарланиши 12.7% ни ташкил этди. Инвазия интенсивлиги 4-38 нусхани ташкил этади. Бу тур билан бошқа сув ҳавзаларида ҳам балиқларнинг зарарланиши нисбатан юқори ҳисобланади.

Балиқчилик хўжаликлари. 2019-2021 йиллар давомида Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қуйидаги балиқчилик хўжаликлари ва табиий кўлларда тадқиқот ишлари олиб борилди: “Сирдарёбалиқсаноат” МЧЖ, “Янгиер балиқ” МЧЖ, “Навбахор балиғи”, “Агробалиқсаноат” МЧЖ, “Тулистон балиқ ҳавзаси”, “Мирзачўл балиғи” МЧЖ, “Эркин балиқ ҳавзаси”, “Олтинтепа олтин балиғи”, “Каспер троя”, “Абдуғани балиқчилиги”, “Самариддин сара балиқлари”, “Омадли чўртан балиқ”, “Сардоба сирли балиқ”, “Ақромбек орзуси”, “Абдулазиз балиқчилик ховузи”, “BEST FISH”, “OPTIMUS FERRO”, “KARVON FISHING”, “MAGIC FISH” «Simma fish group».

Балиқчилик хўжаликларида текширилган йиртқич балиқларда 4 та синфга мансуб 26 тур гельминтлар қайд этилди. Trematoda синфидан 10 тур гельминтлар учраб, балиқларнинг улар билан зарарланиши 3.3-27.7 % ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич *Diplostomum spathaceum* (larvae) (27.7%), энг паст зарарланиш *Bolboforus confusus* (larvae) (3.3%) турига тўғри келади. Инвазия интенсивлиги 1-22 нусхани ташкил қилади. Қайд этилган трематодаларнинг 6 тури личинкалик босқичида, 4 тури вояга етган босқичида йиртқич балиқларда паразитлик қилиши кузатилди.

Йиртқич балиқларда топилган гельминтлар ичида кейинги ўринни Cestoda синфи вакиллари эгаллайди. Бу синф 7 та турни бирлаштириб, энг юқори зарарланиш 29.6 фоизни (*Bothriocephalus opsariichthydis*) ташкил қилса, энг паст зарарланиш кўрсаткичи 0.3 фоизга (*Paradilepis scolecina* (larvae)) тўғри келади. Цестодалар билан зарарланишнинг инвазия

интенсивлиги 1- 67 нусхани ташкил этди. Қайд этилган цестодаларнинг 3 тури личинкалик босқичда, 4 тури вояга етган шаклда паразитлик қилади.

Йиртқич балиқларда қайд этилган Nematoda синфи вакиллари 6 турдан иборат бўлиб, уларнинг 4 тури личинкалик босқичида, 2 тури вояга етган шаклда паразитлик қилади. Балиқчилик хўжаликларида йиртқич балиқларнинг нематодалар билан зарарланиши 2.0-17.0 фоизни ташкил этади. Инвазия интенсивлиги 1-22 нусхага тенг.

Acanthocephala синфи 3 турни бирлаштириб, энг паст зарарланиш даражаси *Paracanthocephalus curtus* тури ҳисобига (1.7 %) тўғри келса, энг юқори зарарланишни *Pomphorhynchus laevis* тури (10.3%) намоён этмоқда. Инвазия интенсивлиги 1- 48 нусхани ташкил этиши кузатилган.

Биобарин, балиқчилик хўжаликларида йиртқич балиқларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси бошқа сув ҳавзалари билан солиштирилганда нисбатан юқори ва балиқларнинг жиддий касалликларига сабаб бўлувчи гельминтозлар қўзғатувчилари ҳам энг кўп қайд этилган худуд ҳисобланди.

Каналлар. Йиртқич балиқлар гельминтларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари асосан Сирдарё вилоятидаги Жанубий Мирзачўл ва Дўстлик каналларида олиб борилди. Олиб борилган изланишлар натижасида каналлардаги йиртқич балиқларда 7 тур гельминтлар паразитлик қилиши қайд этилди.

Trematoda синфи 3 турни бирлаштириб, зарарланиш кўрсаткичи 4.6 фоиздан 15.1 фоизгачани ташкил этади. Инвазия интенсивлиги 1- 8 нусхага тенг. Cestoda ва Nematoda синфларидан 2 тадан тур учради ва зарарланиш 3.1 фоиздан 20.3 фоизгачани, инвазия интенсивлиги эса 1- 42 нусхани ташкил этди. Аниқланган 7 тур гельминтларнинг 3 тури (*Clinostomum complanatum larvae*), *Diplostomum spathaceum (larvae)*, *Dioctophyme renale (larvae)*) личинкалик босқичида, 4 тури (*Rhipidocotyle campanula*, *Bothriocephalus opsariichthydis*, *Triaenophorus nodulosus* ва *Camallanus truncatus*) вояга етган шаклда учради.


Бобнинг кейинги параграфида оддий лаққа- (*Silurus glanis* Linnaeus, 1758) гельминтофаунаси таҳлил қилинган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, оддий лаққа балиғида 29 турдаги паразитлар қайд этилди: трематодалар – 10 тур, цестодалар - 7 тур, нематодалар - 9 ва акантоцефалалар -3 тур. Улар 3 тип, 4 синф, 13 туркум, 19 оила ва 27 авлодга мансуб эканлиги аниқланди.

Оддий лаққа гельминтофаунасининг 35% трематодалар, 31% нематодалар, 24% цестодалар ва 10% акантоцефалалар ҳисобига тўғри келмоқда (2-расм).

Натижалардан кўришиб турибдики тадқиқот ўтказилган сув ҳавзаларидан текширилган 274 нусха оддий лаққа балиғининг 86 таси (31.3%) зарарланган. Топилган 29 тур гельминтларнинг 13 тури личинка шаклида, 16 тури етук шаклда учрайди.


Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, *Rhipidocotyle campanula* (20.0%), *Gnathostoma hispidum* (21.1%), *Neoechinorhynchus rutila* (24.0%), *Contracaecum spiculgerum* ва *Triacnophorus nodulosus* (26.0%), турлари билан йиртқич балиқлар нисбатан юқори даражада зарарланган.



2-Расм. Оддий лаққа гельминтлари синфларининг ўзаро нисбати

Camallanus truncatus (16.0%), *Dioctophyme renale* (17.2%), *Pomphorhynchus laevis* (18.3), *Raphidascaris acus* (19.3%), *Diplostomum spathaceum* (22.3%) ва *Bothriocephalus opsariichthydis* (30.1%) турлари билан ўта юқори даражада зарарланган бўлиб, инвазия интенсивлиги 1- 65 нусхани ташкил этди. *Tylodelphus clavata* (1.5%), *Paracanthocephalus curtus* (2,1%), *Contracaecum microcephalum* (2.5%), *Silurotaenia siluri* (2.7%), *Rabdochona gnedini* (3,0%) турлари билан энг паст даражада зарарланган. Инвазия интенсивлиги 1-9 нусхани ташкил этди.

Бобнинг учинчи параграфида оқ сла гельминтофаунаси таҳлил қилинган. Тадқиқотларимиз давомида оқ сла -*Sander lucioperca* балиғида жами 19 тур гельминт қайд этилди. Уларнинг 4 тури цестода, 7 тури трематода, 6 тури нематода ва 2 тури акантоцефала бўлиб, улар 3 тип, 4 синф, 8 туркум, 12 оила ва 17 авлодга мансуб эканлиги аниқланди. Оқ сла балиғи гельминтофаунасида трематодалар - 41%, нематодалар - 24%, цестодалар - 23%, акантоцефалалар - 12% ни ташкил этмоқда (3-расм).



3-Расм. Оқ сла балиғи гельминтлари синфларининг ўзаро нисбати

Гельминтлар орасида энг кенг тарқалган турлар: трематодалардан *Diplostomum spathaceum* (larvae), цестодалардан *Ligula intestinalis* (larvae), *Bothriocephalus opsariichthydis* ва нематодалардан *Desmidocercella numidica* (larvae) эканлиги аниқланилди. Ушбу гельминт турлари оқ сла балиқлари учун хос бўлиб барча сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Оқ сланинг *Rhipidocotyle campanula*, *Bolboforus confusus* (larvae), *Bucephalus polymorphis*, *Pomphorhynchus laevis*, *Raphidascaris acus*, *Bunodera luciopercae*, *Contracaecum spiculigerum* (larvae), *Camallanus truncatus* – турлари билан юқори даражада зарарланган бўлса, *Hysteromorpha triloba*, *Triaenophorus nodulosus*, *Neoechinorhynchus rutila*, *Gnathostoma hispidum* (larvae) турлари билан зарарланиш кўрсаткичлари паст даражада эканлиги аниқланди.

Bothriocephalus opsariichthydis цестодаси йиртқич балиқлар учун хос тур бўлиб, асосан оддий лакқа ва оқ сла зарарланади. Ушбу тур цестода барча сув ҳавзаларида учради. Ушбу турнинг оралиқ хўжайини - эшқакоёқли қисқичбақасимонлар - циклоплар иштирокида ривожланади.

Bunodera luciopercae трематодаси ҳам йиртқич балиқлар гельминти ҳисобланиб, гельминтнинг инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлиги нисбатан юқори. Оқ сланинг *Tylodelphus clavata* (larvae) трематодаси метацеркариялари билан зарарланиш даражаси анча паст эканлиги кузатилди.

R. acus нематодаси йиртқич балиқлар учун хос тур бўлиб, бир қанча сув ҳавзаларида қайд этилди. Акантоцефалаларнинг *Pomphorhynchus laevis* тури бир неча сув ҳавзаларида аниқланган бўлса, *Neoechinorhynchus rutila* тури эса 1 та сув ҳавзасида қайд этилди.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, текшириш олиб борилган 241 нусха оқ сла балиқларининг 80 нусхаси (33.2%) гельминтлар билан зарарланган. Аниқланилган 19 тур гельминтларнинг 9 тури личинка, 10 тури вояга етган шаклларда учради.


